

UZBEK AND AZERBAIJANI SEMANTIC FIELD

Norova Gulsanam Maxsutovna

Doctor of Philosophy (PhD) in Philology, Associate Professor

ЎЗБЕК ВА ОЗАРБАЙЖОН ПАЙТ СЕМАНТИК МАЙДОНИ

Норова Гулсанам Махсуповна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент  
[gulsanam1981ndpi@umail.uz](mailto:gulsanam1981ndpi@umail.uz)

(+99890) 7304595

<https://orcid.org/0009-0009-4802-3627>

**Аннотация:** Тилшуносликда, жумладан диалектологияда вақт, пайт ва макон-замон маъноларини ифодаловчи бирликлар мавжуд бўлиб, улар матнни бир-бири билан узвий боғлашга хизмат қилади. Шунингдек, матндаги кетма-кетликни, даврийликни ифода этади. Этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ўзбек ва озарбойжон тилшунослигидаги семантик майдонда вақт маъноси пайт равишлари, вақт маъноли отлар, сифатлар, олмошлар, феъллар, юкламалар каби морфологик, пайт ҳоллари, вақт ифодаловчи конструкциялар сингари синтактик йўналишларда ўрганилган.

**Annotation:** In linguistics, including dialectology, there are units that express the meanings of time, moment, and space-time, and they serve to connect the text with each other. It also expresses sequence and periodicity in the text. In the semantic field of Uzbek and Azerbaijani linguistics, which are ethnically close to each other, the meaning of time is morphological, such as time adverbs, time-meaning nouns, adjectives, pronouns, verbs, prepositions, tense cases, and syntactic constructions expressing time. studied in directions.

**Annotasiya:** Dilçilikdə, o cümlədən dialektologiyada zaman, an, məkan-zaman mənalərini ifadə edən vahidlər mövcuddur və onlar mətni bir-biri ilə əlaqələndirməyə xidmət edir. O, həm də məndə ardıcılıq və dövriyyəni ifadə edir. Etnik cəhətdən bir-birinə yaxın olan özbək və Azərbaycan dilçiliyinin semantik sahəsində zaman zərfləri, zaman mənalı isimlər, sifətlər, əvəzlilər, fəllər, ön sözlər, zaman halları, ifadə edən sintaktik konstruksiyalar kimi zaman mənası morfoloji xarakter daşıyır. vaxt.istişamətlərdə öyrənilmişdir.

**Калит сўзлар:** Вақт, пайт, макон, замон, пайт равиши, пайт олмоши, кеча, бугун, аср, йил, когнитив тилшунослик, семали бирликлар, когнитив, сўз туркумлари, келишиклар, ҳафта, сутка, кун, тун.

**Keywords:** Time, moment, space, time, tense, tense pronoun, yesterday, today, century, year, cognitive linguistics, semantic units, cognitive, word groups, agreements, week, day, day, night.

**Аçar sözlər:** Zaman, an, məkan, zaman, zaman, zaman əvəzliyi, dünən, bu gün, əsr, il, koqnitiv dilçilik, semantik vahidlər, idrak, söz qrupları, razılaşmalar, həftə, gün, gün, gecə.

Дунёда миллионлаб тиллар ва уларнинг маъно мазмунини ифодаловчи сўзлар бор. Халқларнинг турли тилларда сўзлашиши ҳар хил бўлсада, бироқ бир мазмунни англатувчи семантик маънолар мужассамлиги борлиги, айна ҳақиқат. Бир-бирига яқин ҳамда ўзида уйғунликни акс эттириб турувчи тиллардан бири бу Ўзбек тили ҳамда Озарбойжон тилларидир.



Этник жихатдан бир-бирига қариндош бўлган бу тилларнинг семантик майдони ҳам, унда қўлланувчи сўзларнинг тахлилий жихатлари ҳам деярли бир-бирини тўлдириб туради. Хусусан, ўзбек тилига мансуб бўлган сўзларнинг семантик майдони ва айнан ундаги пайт маъноли сўзларнинг қўлланиши ҳамда англатувчи маънолари ҳам озарбойжон тилига яқинлигини илмий тадқиқотлар орқали кўриш мумкин.<sup>1</sup>

Маълумки, фан оламида Тилшунослик фани мавжуд бўлиб, бу тиллар ҳақидаги фандир. Бу фан тилнинг умумий хусусиятлари: тилларнинг пайдо бўлиши, тилларнинг қариндошлик муносабаталари ва умумий назарий масалаларини ўрганади. Бу бевосита умумий тилшуносликни пайдо қилади. Тилларнинг бойиши, ривожланиши билан бу соҳа ҳам тараққий этиб бораверади. Бу халқ тилини ўрганилиши заминда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ўзбек ва озарбайжон тилларини қиёсий ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Тилшуносликда сўзнинг маъно ифодалаш хусусияти сўз туркумларини ажратишдаги асосий белги ҳисобланади.

Луғавий маъно ифодаловчи ҳар бир сўз туркуми ўз маъносига кўра сўроққа эга бўлади. Масалан, пайт маъносини билдирувчи бугун, эрта, кеча – **bu gün, erkən, dünən** номини билдирадиган сўз ўз маъносига мос ҳолда қачон? – **nə vaxt?** сўроғига жавоб беради.

Яъни: **Эртадан** бошлаб ҳукми ижро этсак.

Абдулла Қодирий “**Ўткан кунлар**” асари

**Сабаҳдан** ҳокмү истра эдәк.

Абдулла Қодиринин “**Кеҗән гүнләр**” әсәри.

**Бүгүнгү** ишни **эртага** қўйма.

**Bu günün** işini **sabaha** қоута

<sup>2</sup>Сўз туркумларига хос морфологик белги – шу туркумга хос қўшимчаларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Чунончи, от туркуми кўплик эгалик ва келишик қўшимчаларининг мавжудлиги билан характерланади. Синтактик белги эса сўзларнинг гапда бирор гап бўлаги бўла олиши ёки гап бўлаги вазифасини бажармаслиги билан белгиланади. Келишик қўшимчалари билан синтактик алоқага келган сўзлар орасида пайт маъносини ифодаловчи сўзлар ҳам ҳосил бўлади. Шунингдек, ўрин-пайт келишиги шахс ёки предмет турган ўринни иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, пайтини билдириб, кимда, нимада, қаерга, қачон сўроқларига жавоб бўлади. -да қўшимчаси билан шаклланади: пешинда – **günorta**, жумада – **cümə günündə**.

Масалан: **Пешинда** шошиб келдию, бир пиёла чой ичиб кетди.

**Günorta** tələsik gəlib bir stəkan çay içdi.

Тилдаги ўрин-пайт келишигидаги сўз қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун объект бўлган предметни билдириб, нимада? – **nədə?** сўроғига жавоб бўлади, гапда тўлдирувчи вазифасини бажаради. Масалан, Болалар ўқишда ўрناق бўлдилар – **Uşaqлар oxumaqda nümünə oldular**.

2. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, қаерда? – **harada?** сўроғига жавоб бўлади, гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради. Болалар ўқув залида дарс тайёрлашмоқда эдилар – **Uşaqлар sinifdə dərş hazırlayırdılar**.

<sup>1</sup>Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012

<sup>2</sup>Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. Тошкент, 2009



3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш **пайтини** билдириб, **қачон?** – **нə vaxt?** сўроғига жавоб бўлади, гапда **пайт ҳоли** вазифасини бажаради: ёшлиқда – **gənclikdə**, пешинда – **günorta**, кузда – **payızda** каби.

Масалан: **Кузда** япроқларни бир-бир силкитиб,  
Сендан хабар бериб кетди шамоллар.

**Pavızda** yarpaqları bir-bir silkələyir, Sənə küləklər dedi.

Мустақил сўз туркумларидан яна бири Равиш сўз туркуми бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, вақтини, пайтини билдирадиган сўзлар ҳисобланади. Равишлар гапда асосан ҳол вазифасида, сифат ва отга боғланганда эса сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади: Унинг сўзлари болаларча содда, самимий, лекин аниқ ва равшан эди.

Равишлар маъно жиҳатидан ҳолат (тарз) равишлари, миқдор-даража равишлари, ўрин равишлари, пайт равишлари, сабаб равишлари, мақсад равишларига бўлинади.

**Пайт равишлари** ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон?** – **нə vaxt?** сўроғига жавоб бўлади: ҳозир – **İndi**, эрта – **эркэн**, индин – **İndi**, эрта-индин – **geç ya tez**, туш вақти – **günorta vaxtı**, кечқурун – **axşam**, бугун – **bu gün**, олдин – **əvvəl**, яқинда – **bu yaxınlarda**, кейин – **sonra**, кеча – **dünən**, ўтган йил – **keçən il** каби. Пайт равишлари гапда пайт ҳоли ва кесим вазифасида келади.

Ўзбек ва Озарбойжон тилларида вақт маъноли сўзлар матнда ўзаро боғланиб баён қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг оқимини, хронологик кетма-кетлигини билдиради. Нарса вақт ва маконда ҳаракатланар экан, ҳар бир матн турида вақт континуми бўлиш шарт, матн тури, услуби ва муаллифнинг мақсадига қараб вақт оқими ёрқин ёки хирарок берилиши мумкин. Вақт континуми ёки кўпроқ тарихий-илмий, тарихий-бадий матн турларида ёрқин ифода этилади.

Матн компонентлари эса темпорал сўзлар занжири билан боғланади. Вақт маъноли лексемалар матнда гапларни бирлаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Улар гапларни мазмун ва синтактик жиҳатлардан боғлаган ҳолда матн шакллантириш имкониятига эга.

Масалан: Кумуш **эрта тонгдан** уйғониб, ҳовлини кўздан кечирди. **Бугун** келадиган меҳмонлар учун ажойиб ширинликлар тайёрлашни ўйлади. (**Ў.Ҳошимов**)

Kumuş **səhər tezdən** oyanıb həyətə göz gəzdirdi. **Bu gün** gələn qonaqlar üçün gözəl şirniyyatlar hazırlamağı düşündü. (**О. Ношимов**)

Рози бўлинг **эртага** жўнайман. **Күёш ботгунга қадар** ишлари кўп. (**О.Ёқубов**)

Razılaş, **sabah** gedəcəm. **Gün batana qədər** onun çox işi var. (**О. Yakubov**)

Пайт маъносини ифодаловчи сўзлар матндаги гапларни контакт ва дистант алоқалар билан боғлайди. Ёнма-ён сўзларнинг ўзаро боғланиши контакт, орасида бошқа гаплар мавжуд бўлган гапларнинг боғланиши дистант (масофали) алоқа ҳисобланади.

Аср, йил, фасл, ҳафта, сутка (кун) соат, минут, секунд – **Əsr, il, mövsüm, həftə, gün, saat, dəqiqə, saniyə** каби. Лексемалар матндаги воқеа-ҳодисаларнинг аниқ вақтни воқеа-ҳодисалар орасидаги вақт давомийлигини англатади.

**Уч йил аввал** у қовоқ-тумшуғини осилтириб кетган эди. Яна эшигимни таққиллатиб келибди. (**Т.Мурод**)

**Ўч il əvvəl** o, kəlləsini asmışdı. Yenə qarımı döydü. (**Т. Murad**)



У узоқ жим турди. **Сониялардақиқага, дақиқалар соатларга, соатлархафтага** уланди. **Кунлар, ойлар** ўтди. Бироқ у бу гап-сўзларнинг тагига етолмади. (Ў.Ҳошимов)

О, uzun müddət susdu. **Saniyələr dəqiqələr, dəqiqələr saatlar, saatlar həftələr.Günlər, aylar** keçdi. Lakin o, bu sözlərin dibinə gələ bilmədi. (О'. Ношимов)

Вақт семантикали лексемаларнинг матн шакллантириш имкониятлари уларнинг маъно ҳажмига боғлиқ. Кўп вақт давомийлигини билдирувчи лексемаларнинг матн шакллантириш имкониятлари катта бўлади, яъни улар кўп вақтда содир бўлувчи воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи кўпроқ гапларни бириктира олади ва аксинча вақт ўлчов бирликларидан энг катта матн шакллантириш имкониятига вақт миқдори катта бўлган аср, йил сўзларини келтириш мумкин.

Аср лексемаси асосида трилогия; йил, ой, фасл – **il, ay, mövsüm**, ҳафта лексемалари асосида қисса: ҳафта, сутка, кун, тун – **həftə, gündüz, gecə** соат лексемалари мазмун асосида ҳикоя яратиш мумкин. Энг кичик вақт ҳажмига эга он, лаҳза – **an** лексемалари эса икки ёки уч гап воқелигини боғлай олиши мумкин халос.

Матн шаклланишида етакчилик қилаётган сўзнинг семантик қатлами муҳим аҳамиятга эга. Етакчи сўз гапларни боғлар экан, ушбу боғлашувлар етакчи сўзнинг асосий ва потенциал семалари асосида рўй беради.

**Ўн ой** ўтди. Унинг соғлиги ҳали ҳануз тикланмади. **Бир неча ҳафтадан** буён на кўнғироқ ва на бирор хат-хабар бор. (Т.Малик)

**Он ай** keçdi. Onun səhhəti hələ də bərpə olunmayıb. **Bir neçə həftədir** ki, nə zəng, nə də məktub var. (Т.Мəlik)

Вақт маъноли лексемалар матнда боғловчи вазифасида келар экан, боғланаётган сўзларнинг семемаларида айнан сема бўлиши яъни семанинг семемага айланиши лозим. Мазкур айнанлик, синонимия, антонимия, бутун қисм, тур-жинс, даражаланиш, сифатлаш муносабатлари мавжуд бўлади. Ушбу муносабатлар лексик такрор, олмошлар, синонимлар, бир гап даражасида маъноси аниқланмаган сўзлар, шундан бери, ўшандан сўнг, ундан кейин каби лексик-грамматик элементлар каби воситалар ёрдамида шакллантирилади. Шунингдек, вақт маъноси денотатини воқелик сифатида тасдиқлаш (атов гап) кейинги фикр ёки тавсифнинг темпорал тема сифатида аввал тасдиқ йўли билан бериш (Куз! Умримиз сарҳисобига ўхшайди, гўё...) каби коммуникатив эҳтиёжлар ҳам матн шакллантирувчи омиллардандир.<sup>3</sup>

Вақт маъноли сўзлар матн шакллантириш ва унинг яхлитлигини таъминлашда темпорал майдоннинг бошқа бирликлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Ўзбек тилида вақт ва ўлчов маънолари мустақил тил бирлиги (семема) ёки бошқа тил бирликлари семантикасининг ташкил этувчиси (сема) сифатида мавжуд. Вақт ва ўлчов семантикаси ўзининг лексик, грамматик, фонетик ифодаланишларига эга. Ўзбек ва озарбайжон тилшунослигида вақт маъноси пайт равишлари, вақт маъноли отлар, сифатлар, олмошлар, феъллар, юкламалар каби морфологик, пайт ҳоллари, вақт ифодаловчи конструкциялар сингари синтактик йўналишларда ўрганилган. Лексик бирликларнинг темпорал маъноси ҳақида хусусий ва у ёки бу муносабат билан билдирилган фикрлар учрайди.

Вақт семемаси ва семемаларининг таркиби, уларнинг система ҳосил қилувчи имкониятлари, вақт семантикали макро ва микросистемалар, буларнинг тузилиш хусусиятлари, вақт ифодаловчи бирликларнинг луғавий системада тутган ўрни, кўлами каби масалалар ўз ечимига эга эмас. Сўнги йилларда жаҳон тилшунослигида матн муаммосига қизиқиш кучайди. Бу илмий мақолада системалиликни юқори сатҳ

<sup>3</sup>Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981



бирликларидан ҳам излаш, тил ва нутқнинг статик ва динамик системаларини фарқлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Жумладан, ўзбек тилида умумий вақтни ифодаловчи абстракт лексика **вақт, пайт, маҳал, палла, кез, заҳот(и), замон (замона), давр, фурсат – vaxt, an, yer, palla, dafə, dərhal, vaxt, dövr, fürsət** каби сўзлар ташкил этишини, **кез, палла, муддат, дам, он, лаҳза, давр – dafə, palla, ömür boyu, istirahət, an,** ўзлари муайян чегараларга эга бўлган вақтни ифодалашини ва замон, давр сўзлари маълум воқеалар, кўпинча ижтимоий-тарихий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган катта давомийликдаги вақтни билдириши ҳақидаги илмий фикрларини баён қилинади.

“**Вақт**”ни предмет сифатида номловчи пайт отларини фарқли семалари асосида бир неча гуруҳга ажратилади:

1. **соф вақтни мавҳум предмет сифатида ифодаловчи отлар** (вақт, пайт, маҳал, давр – **vaxt, an, yer, dövr, ...**);

2. **вақт ўлчови отлари** (секунд, минут, соат – **ikinci, daqiqə, saat..**);

3. **сутка қисмлари отлари** (кун, тонг, чоғоғ – **gün, səhər, vaxt ...**);

4. **ҳафта кунлари отлари** (душанба, сешанба – **bazar ertəsi, çərşənbə axşamı ...**);

5. **фасл отлари** (баҳор, ёз – **bahar, yay ...**);

6. **вақтнинг ўрнини ифодаловчи пайт отлари** (азал, ибтидо, келажак – **yas, başlanğıc, gələcək ...**);

7. **муайян ишнинг мақсадга мувофиқ ёки ўзига хос рўёбга чиқиш вақтини ифодаловчи отлар** (фурсат, маврит – **fürsət, mauritius, ...**) каби.

Вақт билан боғлиқ предмет, воқеа-ҳодиса, ҳолатларни ифодаловчи отларнинг семантик структурасида “вақт” семасининг потенциаллашувини (кучсизланишини) таъкидлаб, бу гуруҳга кирувчи темпорал отлар қуйидаги мавзуй гуруҳга ажратилади:

вақт ҳисобини англатувчи отлар (календар, сана – **təqvim, tarix**);

маросим отлари (уч, етти, йигирма – **üç, yeddi, iyirmi ...**);

вақт билан боғлиқ овқатларни ифодаловчи отлар (саҳарлик, нонушта – **səhər, səhər yeməyi ...**);

байрам ва тадбирларни ифодаловчи вақт семантикали отлар (наврўз, кеча, арафа – **novruz, dünən, ərəfə ...**);

одамнинг ёш турларини номларини ифодаловчи лексемалар (йигит, бола, чол – **oğlan, uşaq, qoca ...**);

**вақт билан боғлиқ мусобоқа**, томошаларининг қисмларини ифодаловчи отлар (старт, финал – **başlamaq, final ...**) каби.

Шуни таъкидлаш керакки, вақт, пайт ва макон-замон маъноларини ифодаловчи сўзлар ўзбек ва озарбойжон тилшунослигида ўзига хос ўринга эга. Бу асарларда, семантик майдонда даврийликни, изчилликни ифода этади. Бу сўзлар шахс ҳамда предмет томонидан амалга ошириладиган ҳодисаларнинг муайян вақтини ифода этади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Орхан-ссей ёдгорликларида макон тушунчасининг лингвистик ифодалари // -Боку: Озарбайжон тили ва адабиётини ўқитиш( илмий-услубий журнал), -2017. 1 (251), 66-70 бетлар.

2. Режепли, А. А. Туркий тил морфологияси / А. Режабли, Ед. Н. Жафаров. - Боку: БСУ, -2002.

3. Озарбайжон тилининг изоҳли луғати (Проф. А. Охундов томонидан таҳрирланган), 3 жилдда. ИИ аср, Боку: Чираг, 1999 йил



4. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012
5. Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. Тошкент, 2009
6. Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 2-жилд (А.Мадвалиев таҳрири остида). – Тошкент:
  9. Norova, G. M. (2022). FORMATION OF WORDS EXPRESSING THE MEANING OF PLACE-TIME IN UZBEK LANGUAGES. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 13.
  10. Makhsutovna, N. G. (2020). All-Turkic lexical layer in the Uzbek dialects of Zarafshan oasis. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, 9(9), 10-15.
  11. Makhsutovna, N. G. (2020). ALL-TURKIC LEXICAL LAYER IN THE UZBEK DIALECTS OF ZARAFSHAN OASIS. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, 9(9), 10-15.
  12. Norova, G. (2024). All-Turkish Lexical Layer in Turkic Languages and Uzbek Language Dialects. *Elmi Tədqiqat Beynəlxalq Elmi Jurnal*, 27-33.
  13. Norova, G. All-Turkish Lexical Layer in Turkic Languages and Uzbek Language Dialects.
  14. NOROVA, G. (2024). ALL-TURKISH LEXICAL LAYER IN TURKIC LANGUAGES AND UZBEK LANGUAGE DIALECTS. *SCIENTIFIC RESEARCH* Учредители: Azerbaijan Science Center, 4(10), 27-33.
  15. Norova, G. All-Turkish Lexical Layer in Turkic Languages and Uzbek Language Dialects. *Elmi Tədqiqat*, 27.
  16. Maxsutovna, N. G. (2026). BOSHLANG 'ICH TA'LIMDA O 'QITUVCHINING O 'RNI VA MAS'ULIYATI. *SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 4(43), 87-90.
  17. Norova, G. M. (2026). THE LITERARY HERITAGE OF ALISHER NAVOI AND THE ROLE OF UZBEK DIALECTOLOGY AS NATIONAL CULTURAL HERITAGE: A THEORETICAL, TEXTUAL, AND TRANSLATION ANALYSIS. *Bulletin news in New Science Society*, 3(1), 5-15.
  18. Norova, G. M. (2025). OZBEK VA INGLIZ TILLARIDA SODDA GAPDA SUBYEKT PREDIKAT ORTASIDA MAZMUNYI SINTAGMATIK MUNOSABATLAR TURLARI, ULARNING UMUMIY VA XUSUSIY JIHLARI. *CANADA-SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION*, 1(10), 8-13.
  19. Maxsutovna, N. G. (2025, October). O 'ZBEK TILI TARIXI VA O 'ZBEK SHEVALARINI TADQIQ ETISH MUAMMOLARI. In *Conferences* (Vol. 1, No. 6, pp. 186-192).
  20. Norova, G. (2025). Specific Characteristics of Tense Nouns and Adverbs in Uzbek and Azerbaijan Dialects. *Turkology*, (1).
  21. NOROVA, G. SPECIFIC CHARACTERISTICS OF TENSE NOUNS AND ADVERBS IN UZBEK AND AZERBAIJAN DIALECTS. *PHILOLOGICAL ISSUES*, (1), 108.
  22. Maxsutovna, N. G. (2025). MILLIY KONTENT YARATISHDA TILIMIZDAGI MADANIY KONSEPTLARNING O 'RNI. *Navigating Green Economy through Innovations, Policies, and Strategies on Sustainable Practices*, 1, 447-450.



23. Maxsutovna, N. G. (2025). MILLIY KONTENT YARATISHDA TILIMIZDAGI MADANIY KONSEPTLARNING O 'RNI. Navigating Green Economy through Innovations, Policies, and Strategies on Sustainable Practices, 1, 516-518.
24. Maxsutovna, N. G. (2025). Description of Dialectal Units in Jadid Dictionaries. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 40, 359-363.
25. Maxsutovna, N. G. Description of Dialectal Units in Jadid Dictionaries.
26. Norova Gulsanam, M. (2025). Description of Dialectal Units in Jadid Dictionaries. 31.03. 2025, 40.
27. Norova, G. M. HUMANITAR VƏ İCTİMAİ ELMLƏR. ELMİ İŞ, 8.
28. Norova, G. Comparative-Historical Description of Words Governing the Meaning of Space and Time in Uzbekistan and Azerbaijan Dialects.
29. Norova, G. Dialectology and Lexical Relationships of the Turkish Languages in Dīwān Lughāt al-Turk.
30. Norova, G. M. "DEVONI LUG 'OTIT TURK" ASARIDA TURKIY TILLARNING DIALEKTOLOGIK VA LEKSIK BOG 'LIQLIGI.
31. Норова, Г. М. (2018, May). отношения узбекского языка с тюркскими языками. In International scientific conference XX Ivanov Memorial lectures (p. 99).
32. DAVRIDA RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK DETERMINANTLARI. In Partner conferences of the International Scientific Journal Research Focus (Vol. 1, No. 1, pp. 243-249).
33. Mirzamurodovich, F. M. (2025). INKLYUZIV TA'LIMGA MUHTOJ BOLALARDA PSIXOLOGIK SAVODXONLIKNING NAMOYON BO 'LISHI. Research Focus, 4(Special Issue 2), 489-494.
34. Mirzamurodovich, F. M. (2026, January). THE IMPACT OF PSYCHOLOGICAL LITERACY ON ADOLESCENT INTELLECTUAL DEVELOPMENT. In London International Monthly Conference on Multidisciplinary Research and Innovation (LIMCMRI) (Vol. 3, No. 2, pp. 458-462).
35. Mirzamurodovich, F. M. (2026). STRESS TOLERANCE IS A PERSONAL FACTOR THAT DETERMINES THE LEVEL OF PSYCHOLOGICAL LITERACY. Shokh Articles Library, 1(1), 375-381.
36. Anvarovna, A. S. (2025). Pedagogical and Psychological Factors Determining the Effectiveness of the Social-Emotional Competence of a Foreign Language Teacher in Higher Education. American Journal of Open University Education, 2(9), 54-59.
37. Umirovich, A. O., & Anvarovna, A. S. (2023). Views of thinkers on issues of family and family relations. Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence, 2(5), 508-511.
38. Ataxo'Jayeva, S. A. (2023). O 'qituvchilarining sotsiologiyistik xususiyatlari. Academic research in educational sciences, 4(TMA Conference), 111-115.
39. Atakho'jayeva, S. A. (2025, October). Ways To Form The Social-Emotional Competence Of A Foreign Language Teacher In The Conditions Of Digital Education. In International Conference on Global Trends and Innovations in Multidisciplinary Research (Vol. 1, No. 4, pp. 75-80).
40. Atakhujaeva, S. A. (2022). DIAGNOSIS OF ADOLESCENTS' UNDERSTANDING OF MORAL AND LEGAL FORMS. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(4), 317-319.
41. Ataxo'jayeva, S. (2022). SELF-DESTRUCTIVE BEHAVIOR AND ITS ESSENCE.



42. Атаходжаева, Ш. А. (2025, October). Роль Информационных Технологий В Обществе. In International Conference on Global Trends and Innovations in Multidisciplinary Research (Vol. 1, No. 4, pp. 17-21).

